

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Я.Е.ЧИЧЕРИНА, Д.А.НУРКЕЛДИЕВА, Д.Б.ЯКУБЖАНОВА**

**МУТАХАССИСЛИК  
ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ  
МЕТОДИКАСИ**

*(ўқув қўлланма)*

**ТОШКЕНТ – 2013**

**УЎК: 371.134 (075)**

**КБК 74.3**

**М-92**

**М-92 Я.Е.Чичерина, Д.А.Нуркелдиева, Д.Б.Якубжанова.  
Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси.  
–Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 128 бет.**

**ISBN 978–9943–4500–2–8**

«Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси» ўқув қўлланмасида мўлжалланган мазкур ишда мутахассислик фанларини ўқитишнинг назарий ва методик масалалари қамраб олинган бўлиб, республикамизда дефектолог кадрларни тайёрлашнинг долзарб муаммолари, шу жумладан, дефектологик таълимни ташкил этишнинг меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатлари таҳлил қилинган. Олий таълимда, хусусан дефектология таълим йўналишида мутахассислик фанлари бўйича маъруза, семинар, лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказиш ҳамда талабаларнинг мустақил ишларига раҳбарлик қилиш юзасидан тавсиялар берилган.

Олигофренопедагогика, логопедия ва сурдопедагогика мутахассисликларида мутахассислик фанларини ўқитиш, педагогик назоратни амалга ошириш методлари ёритилган. Мазкур ишда янги педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш, ўқитувчи ва талабаларнинг самарали мулоқотини ташкил этиш масалалари ҳам ўз аксини топган.

Ўқув қўлланма «Дефектология» мутахассисликлари бўйича таҳсил олаётган магистратура талабаларига мўлжалланган. Ундан ижтимоий-гуманитар йўналишидаги бошқа фанларни ўқитишда ҳам фойдаланиш мумкин.

**Ўқув қўлланма ДИТД ИТД-1-61 лойиҳасида бажарилган.**

***Тақризчилар:***

**А.Ю.Аюпова** – педагогика фанлари номзоди, профессор;

**Д.А.Назарова** – педагогика фанлари номзоди, доцент.

***Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети  
илмий Кенгашининг қарори (2013 йил 14 ноябрдаги 4-сонли баённома)  
билан нашр этилди.***

**ISBN 978–9943–4500–2–8**

**© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2013.**

# **«МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ» КУРСИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

**Асосий тушунча ва терминлар:** «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Бола ҳуқуқлари кафолати тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, бакалаврият, магистратура, давлат таълим стандарти, ўқув режа, ўқув дастури, махсус (дефектологик) таълим, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар, математик ва табиий-илмий фанлар, умумқасбий ва мутахассислик фанлари, ихтисослик фанлари, таълимнинг қўшимча турлари, рейтинг тизими, касбий фаолият турлари, мутахассислик фанларини ўқитиш, таълим мақсади ва вазифалари, ўқитиш тамойиллари.

## **1.1. Замонавий босқичда мутахассис-дефектологлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари**

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиши, ўзининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш йўлини белгилаши кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини қайта кўриб чиқиш, бу борада қатор чоралар кўриш заруратини келтириб чиқарди. Шу муносабат билан, энг аввало, таъкидлаш лозимки, иккита жуда муҳим ҳужжат қабул қилинди: таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойилларини, республикада таълим тизими ва турларини белгилаб берган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга доир «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Бугунги кунда Дастурнинг учинчи босқичи (2005 ва кейинги йиллар) амалга оширилмоқдаки, у қуйидагиларни кўзда тутди:

- таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базасини янада мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини энг янги ўқув-методик комплекслар, илғор педагогик ва ахборот технологиялари билан тўлиқ таъминлаш;

- миллий (элита) таълим муассасаларининг тикланиши ва ривожланиши, уларнинг мустақиллиги ва ўз-ўзини бошқаришини таъминлаш;

- таълим жараёнини ахборотлаштиришни таъминлаш, узлуксиз таълим тизимини дунё ахборот тармоқларига чиқиш имкони бўлган компьютер ахборот тизимлари билан тўлиқ қамраб олиш.

2008 йилда «Бола ҳуқуқлари кафолатлари» тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш учун замин ҳозирлади. Қонунда ижтимоий заиф гуруҳ болаларининг, жумладан, жисмоний ва психик ривожланишида нуқсони бўлган ногирон болаларнинг сифатли таълим олиш ҳуқуқларининг кўшимча кафолатлари ўз аксини топган. Мазкур қоидаларнинг амалга оширилиши болаларнинг шу тоифаси билан ишлайдиган педагогларнинг касбий тайёргарлик даражасига ҳам бевосита боғлиқдир.

Дефектологик таълим, олий педагогик таълим соҳаси, психик-жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болалар билан ўқув-тарбиявий ишларни олиб бориш учун кадрлар тайёрлаш тизими асосан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида амалга оширилади. Таълим муассасаси бакалавриатида дефектолог, магистратурада эса – олигофренопедагог ва логопед ихтисосликлари берилади. Республикамизда ягона бўлган дефектология факультетида, «Коррекцион педагогика» ва «Махсус таълим методикаси» кафедраларида махсус таълим соҳасида республикамизнинг бутун илмий салоҳияти жамланган дейиш мумкин. Бу ерда 2 нафар фан доктори, 14 нафар фан номзоди фаолият юритади. Факультет мамлакатимиздаги 86 та махсус мактаб ва мактаб-интернат, шунингдек, 500 дан ортиқ мактабгача таълим муассасалари учун кадрлар тайёрлайди. Айтиш жоизки, ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўқитиш тизимининг сифати, бу тоифа болаларнинг кейинги ижтимоийлашуви мазкур факультет битирувчилари: бакалавр ва магистрларнинг компетенциясига, уларнинг касб маҳоратига бевосита боғлиқдир.

Педагогика фанлари номзоди Н.Ш.Бекмуратов томонидан ташкил қилинган сўров натижалари шуни кўрсатдики, – бугунги кунда фаолият юритаётган факультетнинг 178 нафар битирувчиси дефектолог касбини жуда қизиқарли ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган касб, деб эътироф этган. Сўровда қатнашган дефектолог талабаларнинг 84% и бу касб уларга маъқул келгани, танловда адашмаганликларини таъкидлаган.

Таълимнинг мазкур йўналиши бўйича тайёргарлик даражасини талабаларнинг 60%и «яхши», 10 %и «аъло» ва 30% и «қониқарли» баҳолаган.

Шунга қарамай, иш берувчи (махсус таълим муассасалари раҳбарлари)ларнинг 35% и битирувчилар ОТМда олган билим, малака ва кўникмаларини такомиллаштириш бўйича қўшимча мустақил ишлаши лозим; 44% и эса олинган билимлар ҳажмини етарли эмас, деб билади, 51 % и махсус таълим методикаси ва коррекцион-ривожлантирувчи ишлар бўйича олинган билимларни амалда қўллаш компетенцияси етишмаслигини тилга олади.

Юқоридаги мисоллар дефектолог кадрлар (бакалавр ва магистрлар) тайёрлашнинг янги, илмий асосланган методларини жорий этиш самарадорлигини ошириш заруратини келтириб чиқаради.

Айни пайтда мамлакатимизда кечаётган демократлаштириш жараёнлари ошкораликнинг ортиб бориши ва халқаро тажрибани кенг ўрганиш учун имкониятлар яратилгани хорижий олий таълим тизимининг кўплаб ютуқлари Ўзбекистон шароитида ҳали синовдан ўтказилмаганини, бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар кўплигини кўрсатади.

Аниқ назарий ва амалий муаммолар ечимига қаратилган гуруҳ ёки яқка тартибдаги лойиҳаларнинг талабалар томонидан ишлаб чиқилиши ва имплементация методикаси амалиётга татбиқ қилинмаган. Ҳолбуки, таълимга бу каби ёндашувда талаба (ёки талабалар гуруҳи) муаммони аниқлаш ва ҳал қилиш йўлларини топиш, кейин етакчи мутахассислар олдида ўз «лойиҳасини ҳимоя қилиш» бўйича тақдимот ўтказиш топшириғини олади. Бу каби лойиҳалар кейинроқ битирув-малакавий иши ёки магистрлик диссертацияси сифатида расмийлаштирилиши мумкин. Таълим жараёнининг умумий тизимида талабаларнинг мустақил билиш фаолияти шу қадар аҳамиятлики, усиз мутахассиснинг касбий компетентлигини амалда шакллантириб бўлмайди.

Талабага ўқитувчини, ўзи танлаган ихтисослик йўналиши бўйича етакчи экспертни, жумладан, бошқа ОТМ ёки ИТИ ходимини мустақил танлаш имкониятини тақдим этиш амалиёти ҳам йўқ. Ҳолбуки, хорижда мазкур фаолият бўйича шуғулланадиган махсус маслаҳат марказлари мавжуд. Республикада олий таълим муассасалариаро ҳамкорликни кенгайтириш, мутахассислар маълумотлар базаларини шакллантириш ўринли бўларди. Бу эса талабаларнинг ўзларини қизиқтирган йўналиш ва мавзулар бўйича бошқа ОТМ ўқитувчилари маърузаларида бўлишларига имкон яратади. Ўқув фанларини ўзаро бойитиш йўлидан ривожлантириш

шароитида бу янада катта аҳамият касб этади. Замонавий университет битирувчиси турдош мутахассисликлар бўйича ишларни бажариш, янги технологияларга эркин мослашиш, заруратга кўра, малакасини ошириш, ихтисослигини ўзгартиришга тайёр бўлиши лозим.

Мутахассисга қўйиладиган талаблар мажмуида ахборот оқиимида эркин йўналиш танлай олиш ва мустақил таълим ҳамда билим олиш кўникмаларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Талабаларни ахборот билан ишлаш: ишончли манбаларни излаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, олинган натижаларни тақдим қилиш методларига ўргатишга оид ихтисослаштирилган курсларни жорий этиш зарур. Булар хорижий етакчи таълим муассасаларининг кўпчилигида фаол қўлланиб келади. Ахборотнинг турли манбалари ва воситалари, жумладан, компьютер технологиялари билан эркин ва тез ишлай олиш малакаси замонавий ёш мутахассислар учун жуда муҳим. Шу сабабли рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш уларни ўзгарувчан дунё шароитларига мослашишига қодир бўлган янги технологиялардан фойдаланиш воситалари, усуллари ва методлари билан қуроллантиришдан иборатдир.

«Тенг-тенгига» ўқитиш методлари ҳали кенг қўлланилаётгани йўқ. Бунда юқори курс талабалари ёки магистрлар етакчи (устоз) ролини бажаради.

Талабалар ўртасида волонтерлик фаолияти етарлича кенг тарқалмаган. Мазкур фаолият тўғри ташкил қилинганида талабалар ўзларининг алоҳида эҳтиёжманд болалар билан ишлашга оид амалий кўникмаларини жиддий тарзда ошириш, шунингдек, ўзининг янги назарий билимларни эгаллашга мотивациясини кучайтириш, бўлғуси касбида яхшироқ йўналганлик касб этиш ва ОТМ таълим жараёнида фаолроқ иштирок этиш имконига эга бўлади.

Юқорида санаб ўтилганлар ОТМ таълимини такомиллаштиришнинг айрим йўналишларигина, холос. Ўқитувчи-дефектологлар касбий тайёргарлик соҳаси янги ғоя, концепцияларга муҳтожжи, улардан фойдаланиш билан таълим болаликдан ногиронларни юқори малакали мутахассислар ёрдамида ўқитишнинг халқаро даражасига кўтарилиши мумкин бўлади.

## 1.2. Дефектологлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ва ташкилий асослари

Мамлакатимизда «Дефектология» таълим йўналиши бўйича олий таълим модели, унинг мақоми ва тузилиши кўп жиҳатдан олий таълим анъаналари, ўрганиладиган фанлар мазмуни эса – дефектологиянинг фан ва амалий соҳа сифатида эришган ютуқлари билан белгиланади. Мазкур моделга мувофиқ таълимнинг биринчи босқичи бакалавр даражасини беришни кўзда тутди. Бакалавр даражаси умумий касбий маълумот олишни таъминлайди. Кўп босқичли тизимнинг иккинчи босқичида – магистр даражаси берилди. Бу даражани олиш учун бакалаврият босқичини тамомлагандан кейин икки йиллик таълим курсини ўташ лозим. Магистрлик дастурлари ўрганиладиган фан соҳаларининг бири бўйича ихтисослаштирилган таълим олишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ таълим сифати Давлат таълим стандартлари (ДТС) билан таъминланади. Уларда таълим жараёнининг тамойиллари, ўқув дастурининг тузилиши ва мазмуни, кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, мажбурий компонентлар (ўқув фанлари рўйхати), таълим натижалари ва компетенциялар тавсифи ҳақида батафсил ахборот жамланади. ДТС шундай ҳуқуқий ҳужжат саналадики, унинг асосида ОТМ фаолияти белгиланади. Ундан ОТМ маъмурияти каби давлат назорат органлари томонидан ҳам бошқарув ҳужжати сифатида фойдаланилади.

ДТС асосида ўқув режалари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Гарчи мутахассислик бўйича таълим стандарти бўлажак мутахассис ўзлаштириши лозим бўлган фанлар рўйхатини, ҳар бир фанга ажратиладиган ўқув соатлари ҳажмини ўз ичига олса-да, бу рўйхатни ўқув режа деб ҳисоблаб бўлмайди. Зеро, унда ўқув топшириқларининг курс ва семестрлар бўйича тақсимланиши кўзда тутилмайди. Бу мақсадга фақат ўқув режада эришилади, ўқув режа ҳам давлат ҳужжати саналади.

Ўқув режа, аввало, мутахассислик номи белгиланади, эгалланадиган малака мазмуни ва ўқиш муддатида кўрсатилади. Кейин у ёки бу йўналиш бўйича мутахассис тайёрлаш учун зарурий фанлар рўйхати келтирилади.

Ўқув фанлари бешта асосий гуруҳга бўлинади. Булар:

- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар;

- математик ва табиий-илмий фанлар;
- умумкасбий ва мутахассислик фанлари;
- ихтисослик фанлари;
- таълимнинг қўшимча турлари.

Режада, шунингдек, у ёки бу фаннинг қайси курс ва семестрда ўқитилиши, уни ўрганиш учун ажратиладиган соатлар миқдори, ҳисобот тури (синов, имтиҳон, рейтинг) кўрсатилади. Мажбурий фанлар билан бир қаторда ОТМ кафедралари талабаларга танлов фанларини, ОТМ томонидан белгиланган ихтисослик фанларини ҳам таклиф қилади. Бундан ташқари, мутахассислик ўқув режасида амалиёт турларини ўташ муддатлари, курс ва БМИларни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, давлат аттестацияларини ўтказиш муддатлари кўрсатилади. Бу ишларнинг ҳажми маълум муддатларга жойлаштирилиши лозим.

Бакалавриятнинг дефектология таълим йўналиши ўқув режасида бешта фан блоки ажратилади. Булар:

1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар (режага мувофиқ 1704 ўқув соати ҳажмида). Гуманитар фанлар сирасига Ўзбекистон тарихи, ҳуқуқшунослик ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фалсафа (этика, эстетика, мантик), маънавият асослари ва диншунослик, маданиятшунослик, иқтисодий назария, социология, педагогика ва психология, миллий ғоя, сиёсатшунослик, ўзбек ва чет тили, жисмоний маданият ва спорт каби фанлар киритилади.

2. Математик ва табиий-илмий фанлар (858 соат). Математик-коммуникатив курс ўз ичига қуйидаги фанларни олади: олий математика асослари, информатика ва ахборот технологиялари. Табиий фанлар сифатида талабалар ёш физиологияси ва гигиена, экология ва уни муҳофаза қилиш, анатомия (одам генетикаси), табиий фанлар замонавий концепцияси кабиларни ўрганади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда олий дефектологик таълим талабаларнинг кенг умуминсоний ва умуммаданий тайёргарлиги билан ажралиб туради. Кўрсатиб ўтилган блокларда умумтаълим фанларининг ҳиссаси жами ўқув соатларининг 27,6% ини ташкил қилади. Бу халқаро амалиётда қабул қилинган стандартларга умуман мос келади. Бунда аудитория соатларининг 59,1% и амалий машғулотларга ажратилади, талабаларнинг мустақил ишлари аудитория соатларининг 80,3% ини ташкил қилади.



3. Умумкасбий фанлар: психологик-педагогик фанлар (умумий педагогика, умумий психология, махсус педагогика, махсус психология). Умумий назарий курслар: дефектологиянинг клиник асослари, она тили, болалар адабиёти ва фольклор). Ўқитиш методикалари курси: ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни ташхислаш, математика ўқитиш махсус методикаси, ногирон болалар диагностикаси, она тили ўқитиш махсус методикаси, коррекцион ишлар методикаси, тарбиявий ишлар махсус методикаси, тасвирий санъат ўқитиш махсус методикаси, меҳнат ўқитиш махсус методикаси, табиатшунослик ўқитиш махсус методикаси.

Бу блокдаги соатлар 3672 ёки умумий соатлар миқдорининг 39,5% ини ташкил қилади. Мустақил таълим аудитория ишининг 45,3% ига тенгдир.

4. Ихтисослик фанлари: олигофренопедагогика, логопедия ва сурдопедагогика. Мазкур фанларни ўқитишга 660 соат ёки умумий ўқув юкломанинг 7% и ажратилади. Аудитория ва мустақил ишларга тенг – 330 соатдан ажратилади.

5. Қўшимча фанлар: тиббий тайёргарлик, чет тили, соғлом турмуш тарзи асослари. Бу фанларни ўқитишга, жами 450 соат, яъни ўқув юкломасининг 4,8% фоизи ажратилади. 810 соат педагогик амалиётга, 216 соат битирув-малакавий ишларга ва 918 соат давлат аттестациясига ажратилади.

Мутахассислик бўйича ихтисослик фанларига жами бўлиб 4332 соат ажратилади. Бу ўқув юкломанинг 46,6% ини ташкил қилади.

Ўқув режа асосида ўқув дастурлари ишлаб чиқилади. Турли гуруҳларда ёки турли мутахассислик йўналишларида ўқитиладиган айна бир фанга ажратилган соатлар, ихтисослик йўналишининг ўзига хосликлари (лого, сурдо) ва ш.к. нуқтаи назаридан деталлаштирилиши керак. Айнан бир фан бўйича айнан битта ўқитувчи бир неча ишчи дастурга эга бўлиши мумкин. Улар ўқитувчига материални таълимнинг муайян шароитларидан келиб чиққан ҳолда тақсимлашда қўл келади.

Маъруза, лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказиш тақвим режалари ўқитувчи томонидан ишчи дастур асосида ишлаб чиқилади ва кафедра мудири томонидан тасдиқланади.

Стандартлар ва таълим жараёнини ташкил қилишга қўйиладиган талабларга мувофиқ ўқув йили ва семестр давомида

Ўқиладиган ҳар бир фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари юзасидан оралиқ баҳолаш ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг барча типларида 1999 йилдан рейтинг тизими (минимум – 56 балл, максимум – 100 балл) жорий қилинган. Тизим талабаларнинг мустақил ўқишлари учун академик соатлар ажратиш, шунингдек, ҳар бир семестр охирида талабалар билимларини баҳолашни кўзда тутди. Бунда қуйидагича рейтинг схемасидан фойдаланилади: 86-100 балл – «аъло» (5); 71-85 балл – «яхши» (4); 56-70 балл – «қониқарли» (3); 55 дан кам балл – «қониқарсиз».

Баҳолаш натижалари асосида ўқишни муваффақиятли тамомлаган талабаларни таълим дастурининг кейинги йилига ўтказиш ҳақида қарор чиқарилади. Йиллик ўқув дастури талаблари бажарилмаган ҳолда талабани кейинги босқичга ўтказиш мумкин эмас.

Барча типдаги ОТМ да таълимни тамомлаш учун битирувчилар иш берувчилар иштирокида якуний имтиҳон (аттестация) топшириши шарт. Бунда иш берувчилар талабалар тайёрлашнинг мувофиқлиги ва сифатини баҳолаш имконига эга бўлади. Бакалавриатда талабалар битирув-малакавий ишини, магистратурада эса магистрлик диссертациясини тайёрлаши ва ҳимоя қилиши лозим.

### **1.3. «Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси» курсининг мақсади ва мазмуни**

ДТС га мувофиқ дефектология факультети битирувчилари қуйидаги касбий фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин:

- ўқитувчилик: махсус мактаб, мактаб-интернатларда;
- тарбиячилик: махсус мактабгача таълим муассасаларида;
- ўқув-методик: мазкур йўналишда таълимни амалга оширадиган вазирликлар метод кабинетларида, уларнинг соҳавий бўлинма ва бошқармаларида;
- илмий-тадқиқотчилик: илмий-тадқиқот муассасаларида ва ш.к.

Шунга кўра, махсус фанларни ўқитиш бир пайтнинг ўзида махсус педагогика ва психология бўйича фундаментал билимлар бериш, умумтаълим ва махсус мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактабларда, мактабдан ташқари муассасаларда тарбия ва



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/909> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/909> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/909>